## Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 874-ҳадис

874 – وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ: «يَا بُنَيَّ؛ إِذَا دَخَلْتَ عَلَى أَهْلِكَ فَسَلِّمْ، يَكُنْ بَرَكَةً عَلَيْكَ وَعَلَى أَهْلِ بَيْتِكَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ [2698].

874. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«**Эй ўғилчам, оила аъзоларинг ҳузурига кирсанг, салом бергин. Ана шунда ўзингга ва оила аъзоларингга барака бўлади**», дедилар.

*Имом Термизий ривоят қилиб, уни ҳасан, саҳиҳ ҳадис, дедилар.*

**Шарҳ**: Киши уйига кирганда ўз аҳлига салом бериш маҳбублиги. Агар ҳеч ким бўлмаса «Ассалому ъалайна ва ъала ибадуллоҳис солиҳийн», деб айтмоқлиги ҳам маҳбуб.

Имом Молик «Муваттоъ» китобларида ўзларига етиб келган хабарда айтишларича, киши ўзи яшамайдиган уйга кирганида:

«Ассаламу ъалайна ва ъалаа ъибадиллаҳис солиҳийн» (Бизга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин), деб айтиши мустаҳаб.

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI